

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Husanova Munisa Husan qizi

Qashqadaryo viloyati Muborak tumani 8-sonli maktab.

Munisahusanova33@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15628436>

Аннотация. Ушбу мақола Инглиз тили дарсларини ўргатишда замонавий таълим муҳитини яратиш ва инглиз тили фан самарадорлигини баҳолаш масалаларини ўрганади. Таълим тизимида инглиз тили фанининг ўқитилиш самарадорлиги, мактаб ташиқлот бошқарув жараёнларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Мақолада инглиз тили дарсларини ўргатишда замонавий таълим муҳитини яратиш самарадорлигини баҳолаш усуллари, мезонлари ва кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Адабиётлар таҳлили асосида инглиз тили самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: мактаб, таълим тарбия метод, билим ва кўникма, креатив тасниф, инновация объекти.

Кириш

Бугунги куннинг энг муҳим шартларидан бири бу педагогиканинг ривожланган тажрибалари ҳамда таълимда эришган ютуқларини амалиётга олиб киришдир. Ҳозирда ўқитувчи ўз фаолияти давомида фойдалана олиши мумкин бўлган улкан тажрибалар базаси шаклланган ва у кундан –кунга янада бойиб бормоқда, Лекин шунга қарамадсан, ўқитувчилар томонидан ана шу тажрибаларни ўзлаштириб олишлари бир мунча мушкуллик билан амалга ошмоқда. Педагогнинг мавқеи илғор иш тажрибаларини вужудга келтиришда ва уларни касбдошлари ўртасида оммалаштиришда, айниқса аҳамиятлидир. Янги илғор педагогик тажрибани амалиётга жорий этишда унинг қиммати ҳамда қай даражада самарали эканлиги назарий педагогик тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқларни амалиётга жорий этиш имкониятини беради. Айнан мана шундай тадқиқотлар натижаларини оммалаштириш учун уларни кенг жамоатчиликка таништириш талаб этилади, Бундай янгиликларни соҳа мутахассислари томонидан тезкор маслаҳатлар бериш билан ҳал қилиш мумкиндир. Мустақиллик йилларида ёшларнинг тил ўрганиш бўйича имкониятлари янги босқичга кўтарилди. Жумладан, уларнинг хорижий тилларни ўрганиш учун мамлакатимизда барча шарт –шароитлар яратилган. Ушбу қўлланма инглиз тилини ўрганишни истаган турли ёшдаги ва турли касбдаги фарзандларга бағишланган бўлиб, инглиз тилидаги семинар тренингни ўз ичига олади. Жумладан, мазкур қўлланма ўрта мактабда инглиз тили ўқитишнинг юқори босқичида ва бошланғич босқичда дарсликка қўшимча ўқув воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумки. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятнинг ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларларнинг, иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг, Республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси ялашувининг зарур ва мажбурий шarti сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бошланғич таълим жараёни боланинг мантикий тафаккур қила олиш салоҳияти, ақлий ривожланиши, дунёқараши, коммуникатив саводхонлиги ва ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантиришга, жисмонан соғлом бўлишга, моддий боғлиқ гўзалликларини ҳис эта олишга, гўзаллик ва нафосатдан

завқлана олиш, миллий урф-одатларни ўзида сингдириш ва ардоқлаш уларга риоя қилишга ўргатади.

Услуг; Семинар-тренинг интерфаол усули асосида ўтказилади. Мақсадмиз доимо олға интилиш, ва ўқиш, ўрганишдир. Тил кишилиқ жамиятида мулоқот жараёнини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Дунё халқлари 300-дан ортиқ тил ва лаҳжаларда сўзлашиб келади. Бугунги дунёнинг ривожланишига олиб келган омил-тил ҳисобланади. Тил ҳақида фикр юритиш, инсоният учун бундан бир неча минг йиллар олдин ҳам тилнинг аҳамияти юқори бўлганини кўрсатади. Қадимдан инсоният турли халқларнинг тилларини ўрганишга эҳтиёж сезиб келдилар. Халқаро майдонларда фойдаланиб келинадиган тилларни болаларга ёшлигиданоқ ўргатиш удумга айланган. Бугунги кунда давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция жараёнининг кучайиб бориши тилни ўргатишга бўлган талабни кучайтирди. Чет тили фани ўқитувчиси сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳар бир халқнинг тили ўрганилганда албатта, ўша халқнинг маданияти бевосита ўрганилади. Шундай сўзлай сўзлар борки, бу сўзларнинг айнан маъносини ҳам ўхшатиб бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди. Шуни фахрланиб айтишим мумкинки, ўзбек тилида учрайдиган меҳр-оқибат, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат каби сўзлар шулар жумласига киради. Охириги йилларда таълим соҳасига эътибор қаратилиши натижасида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари асосида дарсларни ташкил этиши таълим сифатини янги босқичга олиб чиқди. Инглиз тили дарсларини ўқишда инновацион педагогик технологиялар билан бирга АКТ воситаларидан фойдаланиш дарсларнинг эстетик ва илмий соҳасини оширади. Ўқувчи дарс давомида ўзини эркин ҳис қилади. Бунинг натижасида бугунги даврнинг ўзи талаб қилиб турган чет тилини ўқувчи мактаб партасида ўрганиш имкониятига эга бўлади. Мен ўзимнинг дарсларимда ўқувчиларни чет тилини ўрганиши билан бирга уларнинг креатив фикрлашини ошириб боришга ҳаракат қиламан. Чунки ноодатий фикрлашга ўрганган ўқувчи ҳаётда учрайдиган ҳар қандай қийин вазиятлардан осон йўл топиб чиқиб кета олади.

Ўқувчиларимнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш мақсадида дарс давомида қуйидаги блитс саволларни бериб бораман

1. Ҳеч ким амалга оширмаган қандай ишни амалга оширгансиз?
 2. Келажакни қандай тасаввур қиласиз?
- Сиз учун аъло баҳо олиш муҳимми ёки билим олиш муҳимми?

Ками саволлар орқали уларни дарсга кизикртириб бораман. Дарсликларда берилган айрим машқларнинг мазмунини ўзгартирган ҳолда инглиз тилини ўрганиш билан бирга, креатив фикрлаш қобилиятларини ҳам ривожланишига эътибор қаратаман. Замонавий педагогик технологларнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини ўрганиш, таълимни ташкил этишда инновацион ёндашувда бўлиш, пед технологияларни немис тили дарсларида энг самарали интерфаол усуллар ёрдамида татбиқ этиш йўллари, уларни қўллашда АКТ ва мультимедия воситалари ўрнини аниқ мисоллар ва далиллар асосида очиб беришга ҳаракат қиламан. Чет тили хоналари учун берилган АКТ воситаларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида Германиянинг Берлин шаҳридаги мактаб ўқувчилари билан алоқа ўрнатган ҳолда, янги ўқув йилидан бошлаб янги лойиҳалар асосида тажриба алмашишни режалаштирдим. Ватанимнинг ҳар бир фидойи жонкуяр устозлари таълим даргоҳларида яратилган мана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда ривожланган давлатлар мактаблари билан тажриба алмашса, ўйлайманки халқаро талабларга жавоб берадиган,

салоҳиятли ёшларга таълим- тарбия берилса, жамиятимиз бунданд фаровон бўлишига ишонаман.

XULOSA

Инглиз тили дарсларини ўргатишда замонавий таълим муҳитини яратиш. мактаб ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Адабиётлар таҳлили натижасида дарс самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланди:

мактабда инглиз тили фанидан мақсадларига эришишдаги ҳиссаси, жараёнларининг самарадорлиги, инглиз тили фани устозларининг касбий маҳорати, манфаатдор томонларнинг қаноатлантириш даражаси ва инновацион фаолияти ҳисобга олинади.

Замонавий шароитда фан самарадорлигини баҳолашда комплекс ёндашувни қўллаш, тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, инглиз тилини ўрганиш самарадорлигини баҳолашда халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ҳисобга олиш, миллий стандартларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида инглиз тилини ўқитиш самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади: фан самарадорлигини баҳолашнинг ягона методологиясини ишлаб чиқиш; халқаро стандартлар асосида миллий стандартларни такомиллаштириш; инглиз тили устозларини малакасини ошириш тизимини ривожлантириш; замонавий ахборот технологияларини инглиз тили жараёнларида кенг қўллаш.

Ушбу тавсияларнинг амалга оширилишида методистлар хизмати самарадорлигини оширишга, ташкилотлар фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998.-30 б.
3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2003. -174 б.
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. –Қарши: Насаф, 2000. -80 б.
5. Эшмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: 2008. 27-28 б.
6. Ғаффорова Т. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар. –Т.: Тафаккур, 2011.